



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раҳбарлари ва ходимлари меҳнатини уларнинг ёшлари маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича ижтимоий аҳамиятли ишларни амалга оширишга, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга, жамиятда барқарорлик ва тотувликни таъминлашга қўшган ҳиссасини эътиборга олган ҳолда янада рағбатлантириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида» 1997 йил 13 майдаги ПФ-1778-сон Фармонининг меҳнат ҳақи бўйича Ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ рағбатлантириш коэффициенти сифатида маошларга 20 фоизли устама ҳақ ўрнатилишини назарда тутувчи 1-банднинг амал қилиши фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозимларига ҳамда «Маҳалла посбони» раҳбарларига нисбатан жорий этилсин.

2. 2012 йилнинг 1 августидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошларига алоҳида меҳнат шaroитлари учун 12 фоиз миқдорда ойлик устама ҳақ ўрнатилсин.

3. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб таркибиде маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг лавозим маошлари меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткаси бўйича бир разряд оширилсин.

4. Ушбу Фармонда кўзда тутилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2012 йил 9 июль

И.КАРИМОВ

Парламентда



ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ

жамиятда юз бераётган янгиланишлар, ислохотлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишдаги иштирокини янада кучайтириш масаласи муҳокама этилди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИНING КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ДЕПУТАТЛАР, МАТБУОТ ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ, ТОШКЕНТ ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ РАҲБАРЛАРИ, ПОЧТА ВА МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Йиғилишда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунларнинг Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги ижросини ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил натижалари муҳокама этилди.

Назорат-таҳлил тадбирини ўтказиш давомида Қўмита аъзолари томонидан жойлардаги ОАВни ривожлантириш, улар-

нинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, нодавлат босма нашрлар ва телерадиоканаллар фаолиятини янада кенгайтириш орқали миллий ахборот макониде соғлом рақобат муҳитини шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда.)

ХИВАДА ТУФИЛГАНМАН. ШАҲРИМИЗДАГИ 16-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИДА ТАҲСИЛ ОЛДИМ. ОНАМ МАТЕМАТИКА ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИ. ШУ САБАБЛИ БУ ФАНГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ МЕНДА БОЛАЛИК ПАЙТИМДА ПАЙДО БЎЛГАН. МАКТАБДАГИ УСТОЗЛАРИМ ЗАМИРА ШАРИПОВА ВА ЗУЛАЙҲО ДЕВОНОВАЛАРДАН КЎП НАРСАЛАРНИ ЎРГАНДИМ. УЛАРДАН УМРБОД МИННАТДОРМАН.



Ал-ХОРАЗМИЙ АВЛОДЛАРИМИЗ

Мактабни битиргач, Урганч давлат университети қошидаги академик лицейда таълим олдим. Уни муваффақиятли тамолаб, Урганч давлат университетида физика-математика факультетига ўқишга қабул қилиндим. Университетни битиргач, Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетига магистратура йўналиши бўйича ўқишни давом эттирдим. 2008 йилда «Учинчи тартибли аралаш типдаги юк-

ланган тенглалар учун чегаравий масалалар» мавзуйда номзодлик ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Ҳозирги кунда Урганч давлат университетида доцент лавозимда ишлаб келяпман.

Илм-фандаги изланишларимни ҳамон давом эттиряпман. Ҳозирда илмий раҳбарим Бозор Исломовнинг кўмаги билан докторлик диссертацияси устида ишлаяпман.

Олий таълим вазирлиги томо-

нидан ёш олимлар учун таъсис этилган грант лойиҳаси асосида илмий изланишлар олиб бораёман.

Авалло бизга яратиб берилган бу имкониятлар ва шaroитларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидир.

Биз дунё илм-фанига буюк олимларни берган юрт фарзандларимиз. Ворислик, Ватан ва Халқ тақдирига дахлдорлик билан яшаш, бугунги замон талабларига жавоб бериш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бир сўз билан айтганда, эртанги кун бизники, марра бизники.

Умида БОЛТАЕВА,
Урганч давлат университети доценти, физика-математика фанлари номзоди.

Хушхабар

Тимур ИГОННИНГ ЮТУҒИ

Яқинда Шри-Ланканинг Хиккадува шаҳрида 12 ёшгача бўлган шoҳмoтчилар ўртасида навбатдаги Осие чемпиoнати бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини пойтахтлик ФИДЕ устаси Тимур Игонин муносиб ҳимоя қилди.

Дастлаб Тимур швейцарча тизимда ўтказилган учрашувларда тўққиз имкониятдан 6,5 очко жамғариб, фахрли учинчи ўринни эгаллади. Тезкор шoҳмoт бўйича кечган баҳсларда ҳамюртимиз янада муваффақиятли дoна сурди. Унда Тимур Игонин етти имкониятдан 5,5 очко тўплаб, мусoбақанинг кумуш медали билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз.)

Бугунги сонда

Партиялараро баҳс

ЖУРНАЛИСТЛАР «АДОЛАТ» ПАРТИЯСИНING ЭЛЕКТОРАТИМИ?

Яқинда «Адолат» СДП-нинг интернет портали — www.adolat.uz сайтида «Журналистлар — бизнинг электоратимиз!» сарлавҳали мақола эълон қилинди

2-бет

Қонун ва ижро

ФУҚАРОНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

кафолатланган жамиятдаги демократик тамойиллар қарор топади

3-бет

«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг

Партиялараро баҳс:

КАМЧИЛИКНИ ЯШИРИШНИНГ ЛИБЕРАЛЧА УСУЛИ

www.uzbekistonovozi.uz

O'zbekiston ovozi
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
Shu aziz VATAN — barchamizniki!
1918-YIL 21-IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

Bosh sahifa Tahrifat Ruklar Taklif va mulohazalar Axborot

2012 YIL MUSTAHKAM OILA YILI



Oxirgi sonda Ko'p o'qilgan maqolalar Dolzarb mavzu

Саломатлик ҳафталиги

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТАДА ҚОЛМАСИН!»

4-бет

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 10 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2372,21	1 Дания кронаси	312,69	1 Хитой юани	296,95	1 Туркия лираси	1040,51
1 АҚШ доллари	1892,59	1 БАА дирҳами	515,37	1 Украина гривнаси	236,80	1 Швейцария франки	1936,75
1 Россия рубли	58,01	1 Миср фунти	312,57	1 Малайзия рингити	593,85	10 Жанубий Корея вони	16,57
1 Австралия доллари	1927,79	1 Испания кронаси	14,75	1 Польша злотийси	548,10	10 Япония иенаси	237,64
1 Англия фунт стерлинги	2930,86	1 Канада доллари	1856,94	1 СДР	2853,19		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ

жамиятда юз бераётган янгиланишлар, ислохотлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишдаги иштирокини янада кучайтириш масаласи муҳокама этилди

Таъкидланганидек, бугунги кунда Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида 76 тадан ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Хусусан,

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкент вилоятида 57 номдаги газета, 9 номдаги журнал, 3 та телевидение, 2 та радио ва 5 та интернет нашр, Қашқадарё вилоятида 45 номдаги газета, 3 номдаги журнал, 3 та телевидение, 2 та радио ва 23 та

интернет нашри ахборот тарқатиш билан шуғулланмоқда. Босма оммавий ахборот воситаларининг бир марталик умумий тиражи Тошкент вилоятида 130 минг, Қашқадарё вилоятида 103 минг нусхани ташкил

этади. Ушбу вилоятларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари жамиятимизда юз бераётган янгиланишлар, ислохотлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш баробарида, уларни янги-ча мазмун билан бойитиш ва янада чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳафиза КАРИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Тошкент ва Қашқадарё аҳолисини чакана савдо ва обуна орқали вақтли матбуот нашрлари билан таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда вилоят филиаллари томонидан даврий нашрларга обуналар қабул қилиш ва бурортмаларни расмийлаштириш йўлга қўйилган. «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик

компанияси веб-сайти орқали обуначиларга интерактив хизматлар кўрсатилмоқда, миқозларга масофадан туриб компания томонидан тарқатилаётган даврий нашрларнинг барча турлари билан танишиш ва обуна бўлиш имконияти яратилган.

Ишчи гуруҳининг таҳлилига кўра, айни пайтда медиа соҳасига тааллуқли айрим қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашда муайян камчиликлар борлиги аниқланди. Хусусан, муассислар билан таҳририятлар ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятлар тўла бажарилмаётгани, оммавий ахборот воситалари чиқарилишига доир маълумотларнинг тўлиқ кўрсатилмаслиги, газета ва журналларни чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлаш, эфирга узатишда белгиланган талабларга риоя этилмаётгани, босма ОАВни обуначиларга ва чакана савдога чиқаришда почта қондаларининг бузилиши ҳоллари кузатилган.

Шундан келиб чиқиб, даврий нашрларга обунани ташкил этишга замонавий ахборот коммуникацияни кенг жорий этиш, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси дўконларида фаолият юритаётган



сотувчиларнинг ўз касбига бўлган масъулиятини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий вақтли нашрлар ададини киосклар орқали тарқатилишини кўпайтириш, шартномалик муносабатларни тақомиллаштириш зарур.

Йиғилишда, шунингдек, интернет журналистикасини яна-

да ривожлантириш, таҳрират фаолиятига замонавий медиа технологияларини жорий этиш борасида тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Тадбир сўнггида муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

ЎзХДП электорати манфаати, унинг ижтимоий фаоллиги ошишига хизмат қилади

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА ЯНГИ САВДО ДЎКОНЛАРИ, САРТАРОШХОНА, ТУРИСТИК ВА РЕКЛАМА АГЕНТЛИКЛАРИ, ТИКУВЧИЛИК ВА ТАЪМИРЛАШ УСТАХОНАЛАРИ, ДИЗАЙН-СТУДИЯ САЛОНЛАРИ КЎПАЙИБ, АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ОШИБ БОРМОҚДА.

Айнан ушбу соҳаларда оилавий тадбиркорлик ривожланиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди, зарур қонунчилик базаси яратилди. Айниқса, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур қонун Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига тўла мос келгани тўғрисида парламентдаги фракция аъзолари уни қўллаб-қувватлади.

Оилавий тадбиркорлик ўзига хос ижтимоий ва иқтисодий афзалликларга эга. Унинг афзалликларидан бири тез мослашувчанлиги ва бозор талабларига тез жавоб бериш имкониятига эгаллигидир. Қонун меъёрларида оилавий корхонада иштирокчилар ва ёлланма ходимларнинг ишлаган вақти давлат ижтимоий сугуртаси бўйича бадаллар тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юриштиладиган меҳнат дафтаридаги ёзувлар асосида меҳнат стажига қўшили-

ши белгилаб қўйилган. Бу эса аёллар учун уй меҳнати ва фарзандлар тарбияси билан бирга хонадоннинг ўзидаёқ, корхонадаги ишнинг қўшиб бажариш, ишлаб чиқариш фаолиятига оиланинг ёши катта аъзоларини ҳам жалб қилиш имкониятини яратди. Бу тизимда битта тадбиркор бир нечта оила аъзосини иш билан таъминлайди.

Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона иштирокчиларининг шахсий меҳнати амалга ошириш шартлари улар ўртасидаги келишувга кўра белгиланади. Оилавий корхона — иш берувчи ва оилавий корхонанинг ёлланма ходими ўртасидаги муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Қонунда оилавий корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимлари учун меҳнат ҳақи, муқофотлар ҳамда компенсацияларнинг шакллари, тизими ва миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ

мустақил равишда белгилашни қатъий кўрсатилган. Оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг меҳнат ҳақи тарафларнинг келишувига кўра, лекин қонун ҳужжатлари асосида энг кам иш ҳақи миқдорини кам бўлмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунга биноан оилавий корхона ўз иштирокчилари ва ёлланма ходимлари меҳнати-га ҳақ тўлаш миқдорини белгилаши, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши, шунингдек, иш берувчи сифатида ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Оилавий корхона бошлиғи мажбуриятларининг бири этиб, айнан, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрларига риоя этилишини таъминлаши кўрсатиб ўтилган.

Оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг ижтимоий муҳофазасига оид қондалар ҳам кўзда тутилган. Унга кўра, ходимларга хавфсиз меҳнат шартларини, ижтимоий муҳофазаларини, ижтимоий таъминлашга мажбур бўлиши билан бирга уларнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлиши ҳам белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг аъзолари ва ёлланма ходимлари касб касаллигига чалиниши, ўз меҳнат вазифанасини бажариши билан боғлиқ ҳолатларда шикастланиши ёки бошқача тарзда соғлигини йўқотгани сабабли ет-

казилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартиб асосида сугурталаш шарт.

ШУНИ АЙТИШ ЖОИЗКИ, ОИЛАВИЙ КОРХОНА ЎЗ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА ЁЛЛАНМА ХОДИМЛАРИ УЧУН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАНИГА НИСБАТАН ИМТИЁЗЛИРОҚ МЕҲНАТ ВА ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ МУСТАҚИЛ РАВИШДА БЕЛГИЛАШГА ҲАҚЛИ.

Шунингдек, Қонунда тегишли имтиёзлар ҳам кўрсатилган. Масалан, оилавий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланадиган турар-жойларни нотурар жойларга ўтказиш

талаб этилмайди.

Бу каби ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган қўлайликлар сифатида оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг уларнинг тасарруфига келиб тушган фойдага солиқ солишдан озод этиш, оилавий корхона турар-жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилиши ҳам назарда тутилган.

Буларнинг барчаси оилавий корхоналарни ривожлантириш, уларнинг фаолият юртиши учун қўлай шарт-шароитларни яратди.

Оилавий тадбиркорлик фуқароларнинг ташаббускорлиги, ақл-заковати ва намоён этиши учун катта имкониятдир. У қанча ривожланса, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти шунча тезлашади ва мустаҳкамланади. Бундан партияимиз электорати вакиллари ҳам, жамият ҳам фойда кўради.

Дилбар ХОЛИҚОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

Каттакўрғон шаҳар партия кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Концепцияда илгари сурилган устувор вазифаларни амалга оширишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия фаоллари, бошланғич ташкилотлар аъзолари, фонд вакиллари иштирок этди.

ҚУЙИ БЎҒИН

ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

долзарб масала

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» гоялари амалга оширилиши давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бунда, аввало, сиёсий партиялар, уларнинг ҳудудий ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари алоҳида ташаббус кўрсатиши талаб этилади.

Концепцияда илгари сурилган гояларни амалга ошириш бўйича йил бошида режа ишлаб чиққанмиз, — дейди шаҳар партия Кенгаши раиси Т.Ҳамидов. — Шунга асосан сиёсатшунослар, депутатлардан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, унинг аъзолари бошланғич ташкилотларга бириктирилди. Мамлакат иқтисодиёти, сиёсий ҳаёти билан боғлиқ муҳим ўзгариш ва янги-

ликлар ҳақида бошланғич ташкилот йиғилишларида атрофлириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» гоялари амалга оширилиши давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бунда, аввало, сиёсий партиялар, уларнинг ҳудудий ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари алоҳида ташаббус кўрсатиши талаб этилади.

Концепцияда илгари сурилган гояларни амалга ошириш бўйича йил бошида режа ишлаб чиққанмиз, — дейди шаҳар партия Кенгаши раиси Т.Ҳамидов. — Шунга асосан сиёсатшунослар, депутатлардан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, унинг аъзолари бошланғич ташкилотларга бириктирилди. Мамлакат иқтисодиёти, сиёсий ҳаёти билан боғлиқ муҳим ўзгариш ва янги-

Суҳбатларда Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда фуқаролар масъуллиги, партия аъзолари фаоллиги ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилмоқда. Муҳими, бу ўз самарасини бераёпти...

ЖУРНАЛИСТЛАР «АДОЛАТ» ПАРТИЯСИНИНГ ЭЛЕКТОРАТИМИ?

Партиялараро баҳс

яқинда «Адолат» СДПнинг интернет портали — «www.adolat.uz» сайтида партиянинг Андижон вилоят Кенгаши матбуот хизматининг «Журналистлар — бизнинг электоратимиз!» сарлавҳаси остидаги мақоласи эълон қилинди

БУ ЎРИНДА МАҚОЛАНING МАЗМУНИ ҲАҚИДА ТЎХТАЛМОҚЧИ ЭМАСМИЗ. БИЗНИ ҲАЙРОН ҚОЛДИРГАНИ УНИНГ САРЛАВҲАСИ БЎЛДИ. У НАФАҚАТ БИЗНИ, БАЛКИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН ХАБАРДОР ҲАР БИР КИШИНИ ТААЖЖУБГА СОЛИШИ АНИҚ. ЧУНКИ «АДОЛАТ»ЧИЛАРНИНГ ҲЕЧ БИР ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТИДА ЖУРНАЛИСТЛАР УЛАРНИНГ ЭЛЕКТОРАТИ ЭКАНИ ҚАЙД ЭТИЛМАГАН. МАҚОЛАНING ЎЗИДА ҲАМ УШБУ «ЯНГИЛИК»НИ АСОСЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ БИРОР-БИР ЖЎЯЛИ ФИКР АЙТИЛМАГАН.

Кизиқ, «адолат»чилар нимага таяниб, қандай мезонлар асосида бу даврони илгари суришяпти? Тўғриси, «Адолат» СДП электорати масаласида яқингача турли хил фикр-

лар, тортишувлар мавжуд эди. Партиянинг сайловолди дастурида электорат масаласига аниқлик киритилди. Аммо журналистлар «Адолат» СДП электорати эканлиги тўғрисида ҳеч қандай

гап-сўз бўлмаган.

«Адолат»чилар дастурида «Партия ўз фаолиятида ва бўлажак сайловларда юқори малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вақиллари, педагоглар, шифокорлар, мухтасар айтганда, Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида кўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳукм сурадиган жамиятда яшашни истайдиганларнинг ёрдамига таянади ва ишонди», деб таъкидланган.

Бироқ «Адолат» СДП кўмагига айнан кимлар таяниши мумкинлиги, яъни партия кимларнинг манфаатини ҳимоя қилишига келганда эса... Уларнинг «Журналистлар — бизнинг электоратимиз!» дея бонг уриши, бу партия ҳалигача электорат масаласида бир тўхтама келмаганини кўрсатмайдими?

Бизнингча бу каби мантисиз даъволар одамларни чалғитишга, уларда сиёсий партиялар фаолияти тўғрисида нотўғри тушунча ва тасаввурлар пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳозир биз интернет асрида яшапмиз. Сиёсий партиялар ва уларнинг нашрлари интернетдаги веб-сайтларга эга. Интернетга жойлаштирилган ҳар қандай ахборот билан эса бутун дунё танишиши мумкин. Демак, «адолат»чиларнинг навбатдаги асосиз даъвоси журналистларни ҳам ҳайратга солаётгани табиий.

Уйламай айтилган бу каби гаплар, асосиз даъволар «Адолат» СДПга обрў келтирмайди, албатта. Сиёсий партиянинг йўли, мақсади, айтадиган гапи аниқ ва қатъий қўйилсагина одамлар унга ишонди, керак бўлса, қўллаб-қувватлайди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Қашқадарё вилоят партия кенгаши ташаббуси билан «Терроризм — аср иллати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда электорат вакиллари, Қарши шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари аъзолари иштирок этди.

Тадбирда бугунги глобаллашув асрида, турли геосиёсий манфаатлар тўқнашуви тобора авж олаётган бир шароитда огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаб ҳар биримизнинг зиммамиздаги асосий вазифа экани, бу — мустақиллигимиз, тинчлигимиз, ижтимоий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланиши таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, маънавиятини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, уларда Ватанимизга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини, мамлакатимиз-

да кечаётган ўзгаришларга дахлдорлигини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Сўзга чиққанлар терроризм, экстремизм каби бало-ю офатлар инсонлар бошига қандай қулфатлар ёғдириши мумкинлиги, уларнинг олдини олиш ва ёшларимиз ёт гоғлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида фикр алмашилди.

Давра суҳбатида бу мавзудек билимини ошириш, меънавиятини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, уларда Ватанимизга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини, мамлакатимиз-

Музаффар ТУРОПОВ

Қонун ва ижро

Хориж

ФУҚАРОНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

кафолатланган жамиятдагина демократик тамойиллар қарор топади

Зеро, фуқаронинг муурожаат қилиш ва унга жавоб олиш ҳуқуқи жамиятнинг эркинлигини белгилловчи, айни пайтда бу эркинликни таъминловчи муҳим омиллардан биридир.

Аммо қўлида бир даста ҳужжат, «ҳақиқат излаб» турли оммавий ахборот воситалари таҳририятларига, Сенат ёки Омбудсман қабулхонасига келган одамларни учратиш мумкин.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Светлана Ортиқовадан шу каби масалалар тўғрисидаги фикрларини сўрадик:

— Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари ва халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган қўшма йиғилиши айнан шу масалага бағишланди.

Авалло ўрганишлар натижасининг энг асосий хулосасини келтирмоқчиман: Хоразм вилоятида яшовчи фуқаролардан Олий Мажлис Сенатига, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га, Республика Бош Прокуратурасига, Адлия, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат Солиқ қўмитасига 2011 йилда жами 2757 та муурожаат келиб тушган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 943 тага камайган.

«Хоразм вилоят ҳокимлигида фуқароларнинг тақлифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилганлиги ва унга қатъий риоя этилганлиги, бу борада ташкилий-амалий тадбирлар дастури белгиланганлиги ва амалда оширилганлиги, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессиялари кун тартибига фуқароларнинг муурожаатларини таҳлил этиш, ўрганиш, ижро назоратини таъминлаш билан боғлиқ масалалар мунтазам киритилганлигининг самаралари

ридир. Сенат ишчи гуруҳи томонидан вилоятдаги 131 та маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бу борадаги ишлари ўрганилганда куйидагилар аниқланди.

Хусусан, вилоят ҳокимлигида фуқароларнинг муурожаатларини қайд этиш китоби юритилиб, муурожаатларни рўйхатга олиш карточкаларини тўлдириб бериш билан бирга шу йўналишда махсус компьютер дастури ишга туширилган.

Муурожаатлар таҳлили шунини кўрсатдики, вилоят ҳокимлигига 2011 йилда қилинган ёзма муурожаатларнинг 21,6 фоизи ўй-жой ва ер масалалари, 13,4 фоизи фермер хўжалиги, агросаноат инфратузилмаси билан боғлиқ масалалар, 9,6 фоизи иш, иш ҳақи ва имтиёз, нафақа ва моддий ёрдам масалалари, 6,0 фоизи электр энергия, газ таъминоти оид, 4,8 фоизи банк-кредит масалалари, 4,8 фоизи халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим соҳаси, 4,6 фоизи курилиш, 3,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва 31,7 фоизи бошқа соҳаларга оиддир. Бу муурожаатларнинг асосий қисми ҳокимлик аппаратида кўрилган, айримлари ҳудудий идораларга, шаҳар ва туман ҳокимликларига юборилган, айримлари юзасидан чора кўрилган, тушунтириш берилган. Шу ўринда вилоят ҳокимлигига келган такрорий муурожаатларнинг сони 2011 йилда 38 фоизга камайганини таъкидлаш жоиз.

Афсуски, бу борада ташвишлорнинг факт ва рақамлар ҳам бор. Вилоят ҳокимлигига фуқаролардан келган муурожаатларнинг туманлар кесимидаги таҳлили 2011 йилда 2010 йилга

нисбатан Янгйбозор туманида 56 фоизга, Хонка туманида 35 фоизга, Урганч шаҳрида 29 фоизга, Кўшкўпир туманида 25 фоизга ошган. Шу билан бирга, соҳалар бўйича қилинган таҳлилга кўра эса нафақа ва моддий ёрдам масалаларига доир муурожаатлар 70 фоизга, ёқилги-энергетика соҳасига доир муурожаатлар 69 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасига доир муурожаатлар 50 фоизга, агросаноат инфратузилмасига доир муурожаатлар 46 фоизга, курилиш масаласига доир муурожаатлар 25 фоизга, банк-кредит соҳасига оид муурожаатлар 21 фоизга, ўй-жой ва ер олиш масалаларига доир муурожаатлар 18 фоизга, коммунал хизмат соҳасига доир муурожаатлар ҳам 18 фоизга ошган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга етарли даражада эътибор берилмаганлиги сабабли фуқаролар томонидан марказий ташкилотларга 2011 йилда келиб тушган муурожаатларнинг сони 2010 йилга нисбатан Ҳазорасп туманида 10 фоизга, Урганч шаҳрида 8 фоизга, Кўшкўпир туманида 7 фоизга ошган.

Бу рақамларни батафсил келтириб беришнинг сабаби бор. Биринчидан, давлат органлари, ижро ҳокимиятларининг фаолияти шифофлигини назарда тутадиган бўлса, иккинчидан, ўзининг муаммоси, тақлифи билан давлат органи ва ижро ҳокимиятига муурожаат қилаётган ҳар бир фуқаро унинг шикоятини исзис кетмаслигини, муаммони масалани ҳал қилишини назоратда эканлигини ҳис қилиб туриши керак.

— Назорат тўғрисида гапирганда прокуратура органларининг «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш бора-сидидаги ишлар тўғрисида тўхталиб ўтиш ўринли бўлса керак?

— Албатта. Вилоят прокуратураси томонидан 2010-2011 йилларда ушбу Қонун ижроси юзасидан 25 та текширишлар ўтказилган. Қонун бузилиши, унинг ҳуқуқий таъминоти билан бунга имконият бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 73 та тақдирнома киритилган, прокурор протестлари билан қонунга зид бўлган 12 та ҳужжат бекор қилинган, 81 нафар шахсга интизомий ва 20 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тутилган ва улар тегишли жавобгарлик тортилган, шунингдек, 21 нафар шахс қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик

ҳақида огоҳлантирилган. Кейинги икки йил давомида жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судлари томонидан фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган 99 нафар мансабдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси билан 96 та маъмурий ишлар кўрилган.

— Фуқароларнинг ҳуқуқий савдоқонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги ҳақиқат. Бугун фуқаро бирон масалани ҳал қилиш учун қайси идора ёки ташкилотга муурожаат қилишни яхши билади. Компьютернинг битта тугмасини босиб ёки биттагина кўнгирак билан ариза ёки шикоятини тегишли органда расмийлаштириши мумкин. Аммо сенинг муурожаатинг бошқа бир фуқаронинг қонуний манфаатларига зид келмаслиги керак...

— Қонунда белгиланганидек, фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисида маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган ёзма муурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди. Шунингдек, фуқаронинг тўхмат ва ҳақоратдан иборат ариза, тақлиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Тўхмат қилиб ёзилган ариза, тақлиф ва шикоятлар учун 2010-2011 йилларда жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят, туман ва шаҳар судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 139-моддаси билан 15 та жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан жами 72 нафар шахсга 65 та маъмурий ишлар кўрилган.

Кўриб турганимиздек, қонунчилигимизда фуқаронинг ариза, шикоят ва тақлифлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатлангани билан бирга кимгадир тўхмат қилиш, ёлгон маълумотлар берилишига ҳам йўл қўйилмайди. Ҳатто, фуқароларнинг била туриб сохта маълумотлар баён этилган муурожаатларини текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқаронинг суднинг қарорига биноан ундириб олинishi мумкин.

Келинг, яна Хоразм вилояти бора-сидидаги маълумотларга қайтсак. Сенатнинг Қонунчилиги ва

суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Хоразм вилоят Кенгаши вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари ва бошқа давлат органлари раҳбарларининг фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлаш юзасидан ахборотини халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг тегишли доимий комиссияларида мунтазам тинглаб бориш тавсия этилди. Фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлаш сифатини ошириш ва услубини такомиллаштириш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ташкил этишга қаратилган кўшимча тадбирларни кўриш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлаш бора-сидидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларни қабул қилиш хоналарини жиҳозлаш, уларни зарур техник воситалари, адабиётлар ҳамда қонун ҳужжатлари билан таъминлаш, жойларда фуқароларни сайёр қабул қилиш ишларини мунтазам ташкил этиш чораларини кўриш ҳам тавсия қилинди. Вилоят прокуратурасига эса фуқароларнинг муурожаатини кўриб чиқишга жавобгар бўлган шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан таъсирчан чоралар кўриш топширилди.

Хуллас, фуқароларнинг муурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш доимий назоратда. Шикоят билан давлат органи, мансабдор шахс ҳузурига келган фуқаро ана шу вазиятдан хабардор бўлсагина ўз ҳаракатларининг тўғрилигига амин бўлади, ҳақиқатнинг қарор топишига астойдил ишонади. Бу ишонч эса ҳуқуқий демократик жамиятга бўлган ишончнинг бир бўлаги, десак янглишмаймиз.

Бу ишончнинг ортиб бораётганини ўз фаолиятимизда тез-тез дуч келаётган бир ҳодиса билан ҳам изохлашим мумкин: фуқароларнинг муурожаатлари кўп ҳолларда шахсий манфаатлар доирасидан чиқиб кетаяпти. Улар ўзлари яшаётган маҳалла, шаҳар, фарзанди ўқиётган таълим масканига оид, бир сўз билан айтганда, давлат манфаатлари ёки ижтимоий аҳамиятга молик ариза ва тақлифлар билан муурожаат қилишади. Демак, одамлар ўзгараётти, уларда жамият ривожига дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда. Бу энг катта ютуқларимиздан ҳисобланади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат Йўлдошева суҳбатлашди.



ШАҲАР МЭРИ

гувоҳномадан маҳрум этилди

Таллин шаҳри мэри Эдгар Сависаар Таллин — Нарва кўчасида автомобиль бошқариб кетаётганда тезликни ошириши учун полиция томонидан тўхтатилди ва 320 евро миқдорда жарима жазосига тортилди.

Аммо бу жазо унга кам эди. Негаки, ўтган йили кўчада ҳам у тезликни оширгани учун полиция томонидан салкам минг еврога тенг миқдорда маъмурий жазога тортилган.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, иккинчи марта кўлга тушиш қаттиқроқ жазо қўлланишига сабаб бўлади. Шу боис полиция шаҳар мэрини ҳайдовчилиги гувоҳномасидан икки ой муддатга маҳрум этди, дея хабар беради «EER» нашри.

Шаҳар мэри соатига 50 километр тезлик белгиланган йўлда 84 километр тезликда ҳаракатланган.



«ГАЛСТУКСИЗ ИШ КУНЛАРИ»

давом этмоқда



Японияда ҳукумат доирасида қабул қилинган «ишга галстуксиз келиш» ёзиғи дастури ижроси иккинчи ойдирки давом этмоқда.

Уни ўтказишдан мақсад, иш жойларида совуғтичлардан фойдаланмаган ҳолда электр энергиясини тежашдан иборат. Шу боис барча идора ва компаниялар, фирма ва ташкилотлар ходимлари ёз ойларида ишга ўзлари хоҳлаган энгил кийимда келиши мумкинлиги 2005 йилдан бери амалда қўлланоқда.

Маълумотларда қайд этилишича, мазкур дастур ёрдамида июнь, июль ва август ойларида соатига 200 миллион киловатт энергия тежалади.

Айни пайтда мамлакатдаги корхона ва ташкилотларнинг, компания ва фирмаларнинг 60 фоизи мазкур дастурга амал қилмоқда. Қолганлари эса совуғтичлардан энергияни тежаган ҳолда фойдаланоқда.

ФАЛАЖЛИК ДАВОЛАНДИ

бу эса беморларга умид бағишламоқда

Барчамиз яхши биламизки, фалажлик оғир хасталик турларидан бўлиб, уни даволаш жуда қийин. Аммо швейцариялик олимлар олиб борган тадқиқот натижалари ушбу хасталикка чалинган беморларга умид бағишламоқда.

Гап шундаки, олимлар янги препарат яратдилар. Мазкур дори воситаси беш миёга қон қуйилиши оқибатида иш фаолияти тўхтаган тана аъзоларига қайта «жон» бағишлайди. Олиб борилган тадқиқотда хасталикка чалинган айрим беморлар физioterapiя курслари билан шугулланиш уч-робида янги препаратни ҳам истеъмол қилганлар. Бу ойлик даволаниш курсидан сўнг уларнинг тана аъзолари фаолияти деярли 2 марта фаоллашган.



Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
миллий валютадаги қуйидаги муддатли омонатларнинг муддати узайтирилганини маълум қилади:
«ЖОЗИБАЛИ»
• сақлаш муддати — 4 ой;
• бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм;
• омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
• фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
«СЕРДАРОМАД»
• сақлаш муддати — 5 ой, 8 ой ва 1 йил (мижоз хоҳишига кўра);
• бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм;
• омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
• фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
«САДОҚАТ»
• сақлаш муддати — 6 ой
• омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
• фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади;
• бошланғич бадал миқдори чекланмаган.
Омонатларга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 1 октябрга қадар амалда оширилади.
www.nbu.com
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ УЙ-ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ
қуйидаги иншоотни тўлиғича таъмирлаб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича
ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
№ Объект номи ва жойлашган манзили Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан ҚҚСсиз Курилиш муддати
1. Самарқанд шаҳридаги 59903-сонли ҳарбий қисмининг 11/25-девоҳонаси биносини капитал таъмирлаш 163 989 868 сўм 136 658 223 сўм 3 ой
Курилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва курилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй, телефон: (8371) 269-80-97.
Талабгор сифатида шитирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдо савдоси билан маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, тунловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, Мудофаа вазирлиги объектларини куриш ва таъмирлаш учун махсус лицензияга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл курилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.
Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 (саксон миң) сўм.
Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини соати-гача.
Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камиди 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.

«КИЧКИНТОЙ — 2012» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

юзлаб истеъдодли бадий гимнастикачи қизларни кашф этди

ПОЙТАХТИМИЗДА БЕШИНЧИ МАРОТАБА ЎТКАЗИЛГАН «КИЧКИНТОЙ — 2012» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА ҚОРАҚАЛПОғИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, САМАРҚАНД, БУХОРО, ҚАШҚАДАРЁ, НАМАНГАН, СИРДАРЁ, ЖИЗЗАХ, НАВОИЙ ҲАМДА ПОЙТАХТ ВИЛОЯТЛАРИДАН ТАШҚАРИ, ҚЎШНИ ҚОЗОғИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ҲАМ УМИДЛИ ГИМНАСТИКАЧИЛАР ИШТИРОК ЭТИШДИ.

МАЗКУР ЛОЙИҲА ИЛК БОРА 2008 ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. ЎЗИГА ХОС СПОРТ ФЕСТИВАЛИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАН УШБУ ХАЛҚАРО ТУРНИР ИШТИРОКЧИЛАРИ САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЎТГАН ЙИЛИ СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР УЧУН 266 НАФАР ЁШ ГИМНАСТИКАЧИ ЎЗАРО БАҲС ЮРИТИШГАНДИ. БУ ГАЛГИ МУСОБАҚАЛАРДА ЭСА УЧ ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИ ЎЗ МАҲОРАТИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.



Айно АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Қизалоқларнинг чиқишларини бадий гимнастика бўйича етакчи мураббий, халқаро спорт устаси Камилла Тўхтаева, халқаро тоифадаги ҳакамлар Анна Савова, Ирина Замятина сингари таниқли мутахассислар баҳолаб борди.

— Бадий гимнастика билан эндигина шуғулланишни бошлаган қизалоқлар учун бу каби турнирлар муҳим аҳамиятга эга, — дейди қорақалпоғистонлик мураббий Нигора Полвонова. — Мусобақага шогирдларимдан саккиз нафарини олиб кел-

ганман. Тўғри, барча иштирокчилар ғолиб бўлишмайди. Аммо бу мусобақадаги муҳит ва гузал манзара уларга илҳом беради, келажакда ўзларига бўлган ишончини ортиради. Фурсатдан фойдаланиб, турнир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Мусобақанинг иккинчи кунда «Ўзбекистон» спорт мажмуида энг яхши ва намунали чиқишлардан иборат гала-концерт муҳлислар эътиборига ҳавола этилди. Концерт сўнггида турнир ғолиблари муносиб тақдирланди. Ҳар

бир ёш тоифаси (2004, 2005, 2006 йил туғилганлар) бўйича ҳамда энг яхши жамоалар номи эълон қилинди.

— Шундай ажойиб байрамда қатнашаётганимдан хурсандман, — дейди жиззахлик Маржона Ҳасанова. — Ёшим олтида. Мусобақага мураббийимиз Васида Абдурахмонова билан келдик. Бадий гимнастика билан шуғулланаётганимга икки йил бўлди. «Кичкинтой — 2012» халқаро турнирида «Ёш нафосат маликаси» номинациясида совриндор бўлдим.

Эркин ХОЛБОБО

Аввал хабар қилганимиздек, футбол бўйича клублар ўртасида Қувайтда ўтказилаётган Осиё чемпионатининг охири учрашувлари мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — Тошкентнинг «Ардус» жамоаси учун муваффақиятли кечди. Жумладан, гуруҳ bosқичида биринчи ўринни кўлга киритган ҳамюртларимиз ярим финалга йўлланмани кўлга киритишди.

«АРДУС» — кумуш медаль соҳиби!



Финал йўлланмаси учун ўтказилган ўйинда ардусчилар Қатарнинг «Ар-Райян» футболчиларига қарши майдонга тушди. Ниҳоятда шиддатли кечган баҳсда вакилларимиз ишончли галабани кўлга киритди — 3:1. «Ардус» жамоасидан тўпларга Артур Юнусов, Дилшод Ирсалиев ҳамда Шухрат Тожибоевлар муаллифлик қилди.

Ярим финалнинг иккинчи учрашувида Эроннинг «Санае Гити» жамоаси Япониянинг «Нагоя Оушенс» аъзоларини йирик ҳисобда доғда қолдирди — 6:3.

Ҳал қилувчи учрашувда ҳамюртларимиз «Санае Гити» футболчиларига қарши баҳс юритди. Қитъамизнинг етакчи жамоаси билан кечган учрашувда ардусчилар муносиб тўп суришди. Гарчи, ўйиннинг 3-дақиқасидаёқ эронликлар ҳисобни очинган бўлса-да, иккинчи бўлим бошида вакилимиз Артур Юнусов ўртадаги фарқни йўққа чикарди — 1:1. Тенг кураш остида ўтган баҳснинг 24-дақиқасида «Санае Гити» жамоасининг бра-



зилиялик легионери Рудимар Венансио томонидан киритилган гол чемпионат тақдирини ҳал қилди — 2:1.

Учинчи ўрин учун «Ар-Райян» — «Нагоя Оушенс» жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувда 4:1 ҳисоби қайд этилди.

КУБОК кимга насиб этади?



Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги чорак финал bosқичининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди.

Унда учта ўйин ўтказилди: «Андижон» — «Пахтакор» — 1:2, «Металлург» — «Насаф» — 2:1, «Бунёдкор» — «Машъал» — 3:0. «Бухоро» — «Локомотив» жамоалари учрашуви эса 25 июль кунини ўтказилиши белгиланди.

(Ўз муҳбиримиз).

Саломатлик ҳафталиги

«ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

ҲАФТАЛИК ДОИРАСИДАГИ ТАДБИРЛАРДА РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИ, ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ТИББИЁТ ЙўНАЛИШИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЕТАКЧИ ОЛИМЛАРИ, ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



Аксар ЕКҲОВОВ (ЎЗА) олган сурат.

Тошкент вилоятида ҳам ҳафталик доирасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом болалар туғилиши учун зарур шароитларни яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда оналар ва болаларга

тиббий ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш бирламчи бўйини муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилишни кучайтириш бўйича тарғибот-ташвиқот иш-

лари олиб борилди.

Саломатлик ҳафталиги кунларида кардиолог, терапевт, невропатолог, эндокринолог, уролог каби ўндан зиёд йўналишдаги мутахассислар вилоятнинг энг чека кишлоқ ва маҳаллаларида ҳам бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдилар.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўтказилган ушбу тадбир замирида инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишдек хайрли мақсад мужассамдир.

— Уюшқоқлик билан ўтказилган Саломатлик ҳафталигида асосий эътибор қария, ногирон ва кам таъминланган оилаларга қаратилди, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент вилояти филиали раҳбари Камола Тўлаганова. — Баян ҳолларда мутахассислар уларнинг уйларида бориб тиббий кўриқдан ўтказди. Тиббий кўриқларни ўтказиш учун алоҳида хоналар ажратилиб, улар электрокардиография ва ультратовушли ташхис аппаратлари ҳамда бошқа зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Чирчик шаҳрида беш минг нафардан ортиқ фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилиб, беомроларга даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Саломатлик ҳафталиги тадбирлари вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтди.

Л.СУВОНОВ,
ЎЗА муҳбири.



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билгил. Агар сен хоҳ унга адаб ўргатгил, хоҳ ўргатмагил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоққим дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур.

Оталиқ шартин бажо келтур-ғилки, фарзандинг вужудга келгондагидек тириклик қилсин, яъни ҳар одамки вужудга келур ва шу кундин эътиборан хулқи ва табиати унга ҳамроҳ бўлур, аммо ул ожизлик ва беқувватликдин уни намоён қила олмағусидир. Катта бўлгон сайин жисми ва руҳи ривожланадур, камолга етгондан сўнг тамоми яхшилик ва ёмонлигини зоҳир қилур. Лекин сен адаб, ҳунар ва донишни фарзандингга ўзингдан мерос қилғил, токи унинг ҳаққин бажо келтирмуш бўлғайсан. Чунки хос кишиларнинг фарзандларига адаб ва ҳунардан яхшироқ мерос йўқдур.

Унсурулмаолий КАЙКОВУС

ОБ-ҲАВО 10-11 — 07. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+19 / +24 +34 / +39

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+19 / +24 +36 / +41

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+19 / +24 +36 / +41

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+19 / +24 +37 / +42

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+19 / +24 +35 / +40

Тошкент шаҳри

+20 / +22 +38 / +40

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +13 / +11

Париж +15 / +13

Москва +19 / +19

Мадрид +18 / +17

Пекин +23 / +23

Гонгконг +28 / +28

Рим +21 / +20

Афина +23 / +24

Токио +23 / +22

Стокгольм +16 / +15

Кейптаун +9 / +8

Қоҳира +31 / +30

Гавана +25 / +25

Вашингтон +21 / +22

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси «Телекўрсатув ва радиоташвиқот» кафедраси доценти
Анвар КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV Murodulla ABDULLAYEV Muslihidin Latif G'ULOMOV Ulug'bek MUSTAFOYEV MUHIDDINOV Bobir ALIMOV Tat'yana KISTANOVA Ochilboy RAMATOV Sharbat ABDULLAYEVA (Bosh muharrir o'rinbosari) Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vakolparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonaga manzilli: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746
10676
nuxxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 00.10
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433
1 2 3 4 5